2005 YIL 12 APREL, SESHANBA

# Qishloq HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№ 50. (6.887). Sotuvda erkin narxda

## Кунниң муҳим воқеалари

● 9 апрел куни пойтахтимиздаги Амир Темур номи билан аталувчи хиёбонда буюк соҳибқирон таваллудининг 669 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Ҳ.Султонов, Бош вазир ўринбосари Р.Қосимов иштирок этди.

● Тошкент шаҳар ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳамда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳамкорлигида пойтахт саноатчилари ва тадбиркорлари форуми бўлиб ўтди.

● Бразилиянинг Сан-Паулу шаҳрида спорт гимнастикаси бўйича ўтказилган жаҳон кубоги босқичи - "Зигфрид Фишер шоҳсупаси" халқаро турниридан ҳамюртимиз Оксана Чусовитина олтин медал билан қайтди.

● Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида мамлакатимиздаги этнодемографик жараёнлар ва уни тад-қиқ этиш билан боғлиқ масалаларга бағишланган халқаро илмий-амалий анжуман ўтказилди.

● Тошкент давлат юридик институтида ўтказилган илмий-маърифий анжуман Амир Темур салтанатининг ўзбек давлатчилиги тарихидаги ўрнига бағишланди.

● Ўзбекистон Фанлар академиясида "Жамоатчилик фикрини ўрганиш ва шакллантиришнинг долзарб муаммолари" доимий фаолият кўрсатувчи республика илмий-амалий семинарининг навбатдаги, кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида мусаввир Николай Пакнинг "Кулоллик ва рангтасвир" мавзуидаги шахсий кўргазмаси очилди.

● "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши мажлислар залида республика ўқувчиларининг анъанавий "Сеҳрли ёғду" кино-фото асарлари фестивали бошланди.

● Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида "Темурийлар шажараси ва темурий маликалар" мавзуида кўргазма ташкил этилди.

● Қарши шаҳридаги марказий теннис кортида анъанавий "Фьючерс" халқаро теннис турнири бошланди.

● 8 апрел куни Пекин шаҳридаги "Минг йиллик Хитой ибодатхонаси"да "Ўзбек фотосанъатининг 125 йиллиги" мавзуида фотокўргазма очилди.

● Марҳамат туманидаги "Ғайрат-2000" хусусий фирмаси "УзДЭУавто" қўшма корхонаси учун 8 хилдаги бутловчи қисм ишлаб чиқаришга киришди.

# Деҳқонки уруғ сочар...







Жорий йилда республикамиз бўйича жами 1391,4 минг гектар майдонга чигит экиш режалаштирилган бўлиб, шунинг 168,4 минг гектарида уруғлик плёнка остига қадалади. Олинган тезкор маълумотларга қараганда бугунгача 221,2 минг гектардан ошиқроқ майдонга чигит экиб бўлинди. Мавсумни нисбатан эртароқ бошлаган Сурхондарё ва Андижон вилоятларида ҳозиргача экиш ишларининг ярми бажариб бўлинган бўлса, қолган вилоятларда ҳам бу ишга оммавий равишда киришилди. Хусусан, Наманган туманидаги "Туркистон" ширкат хўжалигида ҳам бу юмуш уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Хўжаликда дастлабки экилган майдонларда чигит униб чиқди.

СУРАТЛАРДА: "Туркистон" ширкат хўжалигидаги экиш жараёнидан лавҳалар.

**Пўлатжон АКБАРОВ олган суратлар.**

# Инсон қадрига таъзим



***Одам боласи икки нарса олдида ёлғон гапиролмайди. Бунинг сира иложи йўқ. Ўзи истамаса ҳам рост гапни айтади. Шунга мажбур. Тавба қилдигу, ҳар қандай ёвуз, бешафқат ёки қачондир учига чиққан муттаҳам бўлганлар ҳам ўлим билан рўбарў келганда тили ёлғонга айланмайди.***

Шунчалик қиёфасизлик, маҳдудлик учун, бир умрлик гуноҳу хатолар учун инсон ҳаёт риштаси узилаётган сўнгги лаҳзаларда ўзини ҳалол тутгиси келади – сўнгги бор ҳақ гапни айтади, тазарруга келади, рози-ризолик сўрайди.

Иккинчи бир ҳолат эса, Хотира олдида инсон ёлғон сўзлай олмайди. Хотира кишининг ўз-ўзига берган ҳисоботи. Хотирани алдаб бўлмайди. Барча яхши-ёмон қилмишларимиз ёдимиз лавҳига муҳрланиб туради. Биз уларни яхши биламиз. Қайсиси яхши, қайсиси ёмон? Минг уринмайлик, ўзимизни хотирадан олиб қочолмаймиз. Хотира бу умр салтанатига тутилган кўзгудирким, бу кўзгу инсон хаёлоти ичра доимо ўтган кунларимизни қайтадан жонлантириб туради. Бировга ёмонлик қилсангиз, бировни ноҳақ ҳақорат қилсангиз, ярим йўлда ташлаб кетиб, номардлик қилсангиз ва шунга ўхшаш ножоиз ишлар учун барибир кун келиб жавобини берасиз. Ҳа, ҳеч бўлмаганда ўз ёдингиз, хотирангиз олдида ҳисоб беришга мажбурсиз. Хотирадан қочиб қутулолмайсиз, хотира азобидан ҳам.

**ПУБЛИЦИСТИКА**

Бу – хотиранинг инсон учун ўзини ўзи имтиҳон қилиши, ўз ҳаётига кўнгил, қалб кўзи, ички бир нигоҳ билан разм солишига мисол. Хуллас, ўлим ва хотира ҳар қандай вазиятда, ким бўлмасин, ҳақиқат билан юзма-юз келтиради.

(Давоми 2-бетда)

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

**ФАРМОНИ**

# Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

**Мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш, хусусийлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилиш, республиканинг ортиқча ишчи кучи мавжуд бўлган минтақаларида янги иш жойларини яратиш дастурларини амалга оширишга тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, шунингдек, хорижий инвесторлар учун ишончли ҳуқуқий ҳимоя ва кафолатларни таъминлаш мақсадида:**

1. 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этадиган иқтисодиёт тармоқлари корхоналари асосий фаолияти бўйича даромад (фойда) солиғи, мулк солиғи, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва ҳудудларни ободонлаштириш солиғи, экология солиғи, микрофирма ва кичик корхоналар учун белгиланган ягона солиқ тўлашдан, шунингдек, Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинсин.

Белгилансинки, тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар ҳажми қуйидагича бўлганда мазкур солиқ имтиёзлари берилади:

300 минг АҚШ долларидан 3 миллион АҚШ долларигача - 3 йил муддатга;

3 миллиондан ортиқ АҚШ долларидан 10 миллион АҚШ долларигача - 5 йил муддатга;

10 миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлганда - 7 йил муддатга.

2. Ушбу Фармоннинг 1-бандида кўрсатилган солиқ имтиёзлари қуйидаги шартлар асосида қўлланилиши белгилаб қўйилсин:

мазкур корхоналарни ортиқча ишчи кучи бўлган минтақалар - Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Қашқадарё, Сирдарё, Сурхондарё, Хоразм вилоятларида, шунингдек, Навоий, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларининг қишлоқ аҳоли пунктларида жойлаштириш;

хорижий инвесторлар томонидан тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни Ўзбекистон Республикасининг кафолати берилмаган ҳолда амалга ошириш;

корхонанинг устав капиталида хорижий иштирокчиларнинг улуши камида 50 фоизни ташкил этиши лозим;

ушбу корхоналар давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни киритиш;

хорижий инвестицияларни эркин алмаштириладиган валюта ёки янги замонавий технологик ускуна тарзида қўйиш;

мазкур имтиёзларни қўлланиш муддати давомида имтиёзлардан олинган даромадни корхонани янада ривожлантириш мақсадида қайта инвестициялашга йўналтириш.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Хорижий инвестициялар ва кредитлар масалалари бўйича идоралараро Кенгаш зиммасига тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар жалб этиладиган корхоналарнинг ушбу Фармон иловасида кўрсатилган иқтисодиёт тармоқларига таааллуқли эканини аниқлаш вазифаси юклатилсин.

4. Қуйидагилар белгилансин:

хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар томонидан Ўзбекистон Республикасининг кафолатисиз жалб этиладиган узоқ муддатли кредитлар бўйича фоизлар даромад (фойда) солиғини ҳисоблашда солиққа тортиладиган базага киритилмайди;

хорижий инвестициялар иштирокида янги ташкил этиладиган корхоналарнинг асосий фаолиятдан кўрадиган зарарлари 5 йил муддат ичида солиққа тортиладиган даромад ҳисобидан тўлаш учун ҳисобот давридан кейинги йилларга тенг улушлар билан тақсимланади;

кейинги қонун ҳужжатларида инвестициялаш шарт-шароитлари ёмонлашган тақдирда мазкур Фармоннинг 1-бандидаги имтиёзлар қанча муддатга берилган бўлса ана шу муддат мобайнида амал қилади.

5. Ушбу Фармоннинг 1-бандига мувофиқ имтиёз олган корхоналар шундай имтиёз берилган муддат тугашидан кейин бир йил барвақтроқ фаолиятини тўхтатган тақдирда фойдани ўз мамлакатига ўтказиш ва хорижий инвесторнинг капиталини чет элга олиб чиқиб кетиш фақат берилган имтиёзлар суммасини бюджетга қайтаргандан кейин амалга оширилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Савдо-саноат палатаси билан биргаликда бир ой муддатда ушбу Фармонда белгиланган тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар учун солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Республикасининг «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Қонуни 3-моддасининг тўртинчи қисмида хорижий инвесторлар учун белгиланган кафолатлар қуйидаги ҳолларда қўлланилиши маълумот учун қабул қилинсин:

хорижий инвесторларга тўланадиган, дивиденд тарзида олинадиган даромадларга солиқ миқдори (ставкалари) кўпайиши;

хорижий инвесторнинг чет элга ўтказиладиган даромадлари (фойдаси)ни ўз мамлакатига қайтариш тартиботини мураккаблаштирувчи ёки уларнинг миқдорини камайтирувчи қўшимча талаблар жорий этилиши, бунда давлат хорижий инвестициялар иштирокидаги корхонанинг тўловга қобилиятсизлиги ва банкротлиги ёки кредит берувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, хорижий инвестор - жисмоний шахс содир этган жиноий қилмиш ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолларида ёхуд суд ёки ҳакамликнинг қарорига мувофиқ даромад (фойда)ни ўз мамлакатига қайтаришни тўхтатиб туришнинг бошқа зарурати бўлганда хорижий инвестор маблағларини қонун ҳужжатларини камситмайдиган тарзда қўллаш шартлари асосида ўз мамлакатига қайтарилишини тўхтатиб туриш ҳоллари мустасно;

инвестицияларнинг миқдори бўйича инвестициялаш ҳажмларига миқдорий чеклашлар ҳамда бошқа қўшимча талаблар, шу жумладан, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарда хорижий инвестицияларнинг минимал миқдорини кўпайтириш тарзидаги талаблар жорий этилиши;

республика корхоналарининг устав жамғармаларида хорижий инвесторнинг улуш билан иштирок этиши бўйича чеклашлар жорий этилиши;

хорижий инвесторларнинг визаларини расмийлаштириш ва узайтириш борасидаги қўшимча тартиботлар, шунингдек, хорижий инвестицияларни амалга ошириш бўйича бошқа қўшимча талаблар жорий этилиши.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда Ўзбекистон Республикасининг «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Қонуни 3-моддасининг тўртинчи қисмида белгиланган кафолатларни қўллаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқласин.

Бунда, юқорида кўрсатилган барча инвестициялаш шарт-шароитлари ёмонлашган тақдирда хорижий инвестор мазкур кафолатни қўллаш тўғрисида тегишли ваколатли органни хабардор қилиши назарда тутилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда мазкур Фармон қабул қилиниши муносабати билан амалдаги қонунчилик ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.Азимов зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2005 йил 11 апрел

# Алдагани... ўқувчи яхшими?

***Ўқитувчини ҳалол, пок инсон қиёфасида кўрамиз. Унинг қаноатига таҳсин ўқиймиз. Айниқса, бугунги кунда бу соҳада чинакам фидойилар қолди.***

Пешона тери эвазига олган маошини, айримлар учун бунинг қиймати сариқ чақачалик касб этмаса-да, кўзига суртиб, ёш авлодга зиё улашишни умрининг мазмуни билгувчилар фаолият олиб бораяпти мактабларда. Афсуски, мана шундай хокисор, танти мураббийлар ризқига чанг солгувчилар, уларнинг машаққатли меҳнатларини рағбатлантиришдек мажбуриятни амалдамас, фақат қоғозда акс эттириб, жиғилдон ташвишида куймаланадиганлар йўқ эмас.

**ТААССУФ**

Пахтачи тумани Халқ таълими бўлими мудири А. Очилов (эндиликда собиқ) ҳамда бош бухгалтер М. Назаровалар ва уларга ҳамтовоқлик қилган баъзи бир кимсаларнинг содир этган қилмишлари билан таниша туриб, уларнинг шу тахлитда иш тутганликларию мансаб ваколатларидан фойдаланиб, озгина ҳузур-ҳаловат учун виждонни бир четга улоқтиришганликларининг гувоҳи бўлдик.

Ўтган йилнинг март ойида Самарқанд шаҳрида мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган спорт мусобақаларида иштирок этиш учун туман мактабларидан ўнлаб ўғиллар ва қизлар жалб этилади. Қизиғи, шаҳарга бориб-келиш, овқатланиш, у ерда бир оқшом ижарага бошпана олиб, тунашга доир харажатларни қатнашчиларнинг ўзи, аниқроғи, уларнинг ота-оналари ўз зиммаларига олишади. Лекин туман ХТБ мудири А.Очилов бошчилигида бош бухгалтер ҳамда спорт ва маданият бўйича услубчи вазифасида ишловчи Б. Яхшибоевлар ўзаро тил бириктириб, бир нечта буйруқлар тайёрлашади.

(Давоми 2-бетда)

**ИБРАТ**

# Кредитнинг нафи самарада

***Қорақалпоғистон... Ҳар қарич тупроғи қанча сир-синоатга, бетимсол бойликларга эга бўлган бу заминнинг нафақат юртимиз тарихига, балки дунё цивилизациясига қўшган ҳиссаси жуда ҳам каттадир.***

Истиқлол йилларида минтақадаги шаҳар ва овуллар осойишталигини сақлаш, обод қилишга алоҳида эътибор берилди. Натижада юрт кундан-кунга яшариб, гўзаллашиб бормоқда. Марказий Осиё минтақасидаги XXI асрнинг йирик қурилиши ҳисобланган Қўнғирот сода заводи Хитойнинг "Ситик" фирмаси билан ҳамкорликда қурилмоқда. Йилига юз минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган бу корхона жадал суръатларда бунёд этилаяпти.

(Давоми 2-бетда)

# "Бухоро-8" – истиқболли нав

## Бугунги меҳмонимиз Беруний номидаги Давлат мукофоти совриндори А.Батталов

***– Аухат Миннегалиевич, Бухоро пахтачилигининг ривожи бевосита Сизнинг ҳам номингиз билан боғлиқлиги бугун кўпчилик учун сир эмас. Узоқ йиллик меҳнатингиз маҳсули –"Бухоро-6" нави мамлакат миқёсида катта шуҳрат қозонди, десак муболаға бўлмайди. Шу билан бирга кейинги кашфиётингиз – "Бухоро-8"нинг рақобат майдонига кириб келганлиги ҳам қувончли воқеа бўлди. Хабаримиз бор: Бухоро деҳқонлари 1-2 йилдан буён янги навни экишяпти. Бугун "Бухоро-8"га пахтакор ва мутахассисларнинг муносабати қандай?***

**БЕШИНЧИ ҚАВАТДА БЕШ ДАҚИҚА СУҲБАТ**

– Кейинги йилларда пахтачиликда селекция ишларига эътиборнинг оширилгани, Бухоро иқлими ва тупроғига мос ғўза навлари яратиш борасидаги изланишларим бесамар кетмаётганидан мамнунман. Даставвал яратган "Бухоро-6" навим ўз натижаларини бераяпти. Сўнгги йиллардаги изланишларим "Бухоро-8" навининг яратилишига олиб келди. Синов муддати ўтиши билан ҳар йили бу навдан экиладиган майдонлар тобора кенгайиб бормоқда. Олимлар, мутахассис ва деҳқонлар бу янги навга ҳам ижобий муносабат билдириб келаяптилар. 2003 йилда вилоятимиз пахта майдонларининг 8188 гектарига "Бухоро-8" нави экилган бўлиб, ҳар гектаридан ўртача 35 центнердан ҳосил олинганди. 2004 йилда бу нав экилган майдонлар 10303 гектарни, ҳосилдорлик эса 36,2 центнерни ташкил этди.

(Давоми 3-бетда)

**ЙИГИТ ОМОН БЎЛСА...**

# Иштиёқ ҳам, талаб ҳам кучли

***Шу йилнинг 4 мартида мамлакатимиз президентининг "Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида"ги қарори чиқди.***

Айни дамда республикамизнинг барча ҳарбий қисмларида, дахлдор муассасаларда, туман ва шаҳар мудофаа ишлари бўлимларида ана шу қарорнинг ижроси юзасидан олиб борилаётган ишлар қизғин паллага кирган. Мазкур жойлар шу кунларда Ватан олдидаги бурчини бажаришга аҳд қилган йигитлар билан гавжум. Шу ўринда қайд қилиш жоизки, олиб борилаётган ислоҳотлар натижаси ўлароқ, бугунги кунда ҳарбий хизматга бўлган қизиқиш ўғлонлар орасида тобора ортмоқда.

(Давоми 2-бетда)

Озод ШАРОФИДДИНОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони.

# Ака-ука Воҳидовлар

***Маҳамад Воҳидов – гуруҳимиздаги энг жуссаси кичик талаба эди. Қишда қўнғир тусли телогрейка кийиб юрарди. Бошидаги каттакон кетмон нусха кепкаси эса уни янада кичикроқ кўрсатарди. Бундан ташқари, юзи ҳам бир бурдагина, кўзлари қисиқроқ, бир кўзи эса ғилай эди. Лекин шунга қарамай гуруҳимизда ҳеч ким унга "жинқарча" ёхуд "ғилай" деб лақаб қўйишга журъат қилган эмас.***

Ўқиш бошлангандан кейин 15-20 кун ўтмай, Маҳамад гуруҳимиздаги энг обрўли, ҳамманинг ҳурматини қозонган талабага айланди-қолди. Негаки, унинг жуссаси кичик бўлса-да, зеҳни жуда ўткир, ақли бениҳоя теран, фикрлари жуда чуқур эди. Гаплари ҳам бачканаликдан ҳоли, мулоҳазалари кўпни кўрган одамларники сингари салмоқли ва маънодор эди. Кўп ўтмай гуруҳимиздаги катта-кичик талабаларнинг ҳаммаси бирон маслаҳатли гапи чиқиб қолса, Маҳамадга мурожаат қиладиган бўлиб қолди. Маҳамад ёши биз билан тенг бўлса-да, қисқа ҳаёти давомида анча-мунча ташвишларни кўриб, ҳаёт қозонида тузуккина пишиб чиққан эди. Бунинг сабаби аён эди – Маҳамаднинг отаси Абдувоҳид ака ўз даврида ўзига тўқ, бақувват одамлардан бўлган. Аммо шўро ҳукумати ўзига тўқ одамларнинг ҳаммасини камбағал, қашшоққа айлантириш билан бутун халқни "тенг" қилиш йўлига қарагандан сўнг Абдувоҳид акани ҳам таъқиб остига ола бошлади.

**ТАҚДИР**

(Давоми 4-бетда)

ХАЛҚ БАНКИ
сизнинг оилангиз банки
BANK

УзРТСБ Биржевые котировки сум/кг | БЕНЗИН (76) 395,3 ▲ + 3,3 | БЕНЗИН (91) 463,4 ▲ + 4,4 | ДИЗ.ТОПЛИВО 281,5 ▲ + 2,3 | МАЗУТ 68,9 ▼ - 25,7 | СЖ.ГАЗ 121,9 ▼ - 15,7



(Боши 1-бетда)



# “Бухоро-8” – истиқболли нав

Бошқача айтганда, бултур вилоятимизнинг 8 туманида “Бухоро-8” нави экилди. Йил якунида деҳқон ва мутахассислар ўз хулосаларини билдиришганда бу навнинг кўп жиҳатдан “Бухоро-6”га нисбатан ҳам устунлигини тан олишмоқда.

“Бухоро-8” навини эккан туманлар ҳокимларининг ёзма хулосаларига кўра аксарият ширкат ва фермер хўжаликларида ҳосилдорлик ҳам, даромад ҳам юқори бўлган. Жумладан, Жондор туманида 358 гектар майдонда экилган “Бухоро-8” навининг ҳосилдорлиги 48,1 центнерга етган. Пешку туманида 2386 гектар майдонга шу нав экилганди. Ҳосилдорлик 37 центнерни ташкил этди. Ромитан туманида эса 2515 гектарнинг ҳар гектаридан ўртача 33,1 центнердан ҳосил олинди. (“Бухоро-6” навининг ҳосилдорлиги 32,7 центнер бўлди). Бу кўрсаткичлар Ғиждувон туманида 40,5 центнерни, Бухоро туманида 36,3 центнерни, Қоракўлда 35,4, Вобкентда 35, Шофиркон туманида 34 центнерни ташкил этди.

Соҳа раҳбар ва мутахассислари навга юқори баҳо бериб, “Бухоро-6”га нисбатан қатор устунлик жиҳатлари кўплигини амалда кўрдилар. Келгусида янада кўпроқ майдонларга “Бухоро-8” навини экишни режалаштирмоқдалар. Шуни айтиш лозимки, янги навнинг агротехникаси ҳамма хўжаликларда тўлиқ ўзлаштирилди, деб бўлмайди. Айрим жамоаларда нав парвариши билан боғлиқ тадбирларни кечиктириб ёки сифатсиз ўтказиш ҳоллари ҳам кузатилди. Демак, агротехникага белгиланган меъёр талаблари даражасида ёндашилса, натижаларнинг ижобий жиҳатлари янада юқори бўлиши табиий.

**– Юқорида келтирилган далиллар қувонарли. Энди нав муаллифи сифатида мулоҳазаларингиз...**

–Янги навнинг “Бухоро-6”га нисбатан бир қанча устунлик жиҳатлари бор. Шу билан бирга ўзига хос агротехник талаблар қўлланилганда нав ички имкониятларини рўёбга чиқариши, кўзланган ҳосилдорликни беришини эсда сақлашимиз лозим.

Хўжаликлардан келган маълумотларни таҳлил қилсак, Бухоро туманидаги “Ўрта Осиё”, Вобкентдаги Ал-Бухорий номли, Пешку туманидаги “Пахтаобод” ширкат хўжаликлари кейинги икки йил давомида “Бухоро-8” навини экиб, гектаридан 36,1-38,4 центнердан ҳосил етиштирдилар. Ромитан туманида фермерлар биринчи йилда 101 гектар майдоннинг ҳосилдорлигини 45,1 центнерга кўтаришди.

Бу хўжаликларнинг навга ёзган тавсифларида қуйидагилар таъкидланади: бутаси кам баргли, кўсаклари йирик бўлиб, бута пастидан юқорисигача бир хил катталикда, суғориш даврида сувга кам талаб, гармселга чидамли, маъданли ўғитларнинг 85-90 фоизини биринчи суғоришгача ерга бериш яхши натижа кўрсатади. Кўчат сони гектарига 90-95 минг туп бўлгани маъқул. Терим пайтида режа бажарилишида узилишлар бўлмаган. Кўсаклари етилиш арафасида баъзи майдонларда барглари табиий тўкилиши кузатилган.

Албатта, хўжаликлардан юборилаётган тавсифлар бир хил эмас. Масалан, Вобкент туманидаги “Зарафшон” ширкат хўжалигидан бу навнинг “Бухоро-6”га нисбатан 5-6 кун кеч етилиши айтилса, Қоракўл туманида биринчи йили “Бухоро-8” навини эккан “Ёдгор Сафаров” номли ширкат хўжалигида 3 кун эрта етилгани таъкидланган. Шофиркон туманидаги Бобур номли ширкат хўжалигида экинни барвақт суғоришга киришишгани, азотли ўғитни бир йўла кўп бериб, буталарни ғовлатишгани боис, юқори натижаларга эришилмаган.

**– “Бухоро-8” навининг “Бухоро-6”га нисбатан энг асосий фарқи нимада?**

– Агротехникасидаги фарқи шундаки, навнинг бута тузилиши – морфологияси ва биологик хосликларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилади. Навнинг буталари кам барглланган. Ҳосил шохлари бўғин ораси асосан 5-10 сантиметр атрофида, кам ҳолатларда янада узунроқ ҳам бўлиши мумкин, шунинг учун бутаси сийрак кўринади, лекин бақувват ўсади. Кўсаклари йирик, қўлланилаётган шароитга мос равишда вазни 7-11 грамм. Чигити ҳам йирик –1000 донасининг оғирлиги 135-145 грамм атрофида.

– Пахтаси қўлда осон териладди. Толаси оппоқ бўлиб, чигитга бирикиш кучи кам. Бу дегани – толасининг чигитдан ажралиши осон кечиб, завод шароитида электр энергияси қисман тежалади, ускуналарнинг ишлаш муддати ҳам анча узаяди. Шоналашга ва гуллашга “Бухоро-6” навга нисбатан кечроқ киради. Кўсакларнинг очилиш сурати юқори бўлганлиги сабабли терим мавсумида ҳосил топширилишида узилишлар бўлмайди. Экин яхши парваришланса, ҳосили етилиши арафасида баргларининг табиий тўкилиши кузатилади. Толаси 4-типга мос бўлиб, шўрсиз тупроқ ва юқори агротехника шароитида бир қисми 3-типга мансуб бўлаяпти.

**– Янги нав агротехникасидаги ўзига хосликлар қайси жиҳатларда кўринади?**

– Баргланиши сийрак бўлганлиги сабабли, ниҳоллар сони “Бухоро-6”га нисбатан 10 фоизгача зиёдроқ бўлиши тавсия этилади. Яъни, шароитга боғлиқ равишда “Бухоро-6”дагидай гектарига 80-120 минг туп эмас, балки 90-130 минг туп атрофида бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Биринчи вегетация суғоришини ғўза ёппасига гулга кирганда бошлаш тавсия этилади. Чилпишни 13-15 ҳосил шохи пайдо бўлганда ўтказилгани маъқул. Бу – июл ойининг иккинчи ўн кунлигига тўғри келади.

**– Икки оғиз “Бухоро-8”нинг яратилиши ҳақида гапириб берсангиз.**

– Нав “Бухоро пахтачилиги” масъулияти чекланган жамияти ва Ғиждувон туманидаги “Зарафшон” ширкат хўжалиги билан ҳамкорликда яратилган. Оналиги бўлмиш “Бухоро-6” навига бир паллаликларнинг фотосинтез ирсиятини сунъий усулда ўтказиш йўли билан дунёга келди. Ишимизда бир паллаликлардан фойдаланишимизга асосий сабаб – уларда фотосинтез жараёни икки паллаликларга нисбатан 2-3 марта жадалроқ кечади. Ана шу фаолликни қисман икки паллалик ўсимлик “Бухоро-6” ғўза навига ўтказишга эришдик. Натижада олган маҳсулотимиз - “Бухоро-8”нинг бута бўйича баргланиши кам бўлишига қарамай, қуёш энергиясини жадал ўзлаштириши сабабли серҳосиллиги таъминланди. Кўсаклари йирик бўлишига қарамай, фотосинтез маҳсулоти билан яхши таъминланганлиги боис гармсел ва шунга ўхшаш салбий таъсирлар пайтида ҳосил элементлари тез тўкилмайди.

“Бухоро-8” ғўза нави ўртапишар ҳисобланиб, республикамизнинг жанубий вилоятлари шароитида экиш учун кашф этилди.

**– Навнинг вегетация даври хусусида нима дейсиз?**

– Бу давр, яъни экишдан то биринчи кўсак очилгунга қадар шароитга мос равишда 106 кундан то 140 кунгача бўлиши мумкин. Навимизнинг эртапишарлиги, ҳосилдорлиги кўп жиҳатдан иқлим, тупроқ ва бошқа омиллар билан бирга ўсимлик агротехникага риоя этилган ҳолда парвариш қилинганига, деҳқон меҳрига боғлиқ эканлигини эсдан чиқармаслигимиз лозим. “Бухоро-6” ёки “Бухоро-8” ғўза навларини баъзи шимолий туманларда ҳам экиб, яхши натижага эришаётганларнинг асосий омили – деҳқонларнинг нав агротехникасига ижобий ёндашувидадир.

Ҳамма экинларда ҳам ҳарорат, тупроқ, намлик ва бошқалардан ташқари маъданли ўғитларни қўллаш муддати ва уларнинг бир-бирига бўлган нисбати муҳимдир. Бу 1-жадвалда ўз ифодасини топган.

**Агротехника ҳолатига боғлиқ равишда “Бухоро-6” ва “Бухоро-8” навларининг ривожланиш фазалари, кунлар ҳисобида (икки нав учун бир хил меъёр)**

1-жадвал

| т/р | Ривожланиш фазалари | Кўп йиллар давомида сурункали пахта экилаётган майдонларда, маъданли ўғитлар: Нисбати меъёрда ишлатилса | Нисбатида азот устуворлик қилса | Алмашлаб экиш жорий этилган майдонларда |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Экиш-ниҳол олиш | 4-10 | 4-10 | 4-10 |
| 2 | Ниҳол-шоналаш | 28-32 | 30-34 | 28-30 |
| 3 | Шоналаш-гуллаш | 30-32 | 30-32 | 28-30 |
| 4 | Гуллаш-кўсак очилиши | 50-54 | 54-64 | 46-48 |
| 5 | Вегетация даври | 112-130 | 118-140 | 106-118 |

Жадвалда келтирилган рақамлардан аён бўлаяптики, бир хил экин ёки навни мазкур майдонга сурункасига кўп йил экавериш, уни кечпишарликка олиб келади. Айнан шу ҳолат, етиштирилаётган ҳосил сифатининг йилдан-йилга пасайишига сабаб бўлади. Бу – умумбиологик қонун.

Афсуски, билдирилаётган таклиф ва мулоҳазаларга қарамай, айрим минтақаларда алмашлаб экишга етарли эътибор берилмаяпти. Тупроқнинг табиий унумдорлигини оширадиган тадбирлар қўлланилмаётгани боис, она тупроғимизнинг ҳосилдорлик бонитети ҳам йилдан-йилга пасаяётгани сир эмас. Оқибатда юқори ҳосилли вилоятлар бўйича ҳам пахтамизнинг ўртача ҳосилдорлиги ниҳоятда пастлигича қолаяпти.

Ҳозирги етиштирилаётган қатор ғўза навлари толаси юқори сифатга эга. Юқорида қайд этилган салбий ҳолатлар бартараф этилса ҳосилдорлик ҳам, унинг сифати ҳам бир неча ҳисса ошиши муқаррар.

**– Экинни озиқлантириш масаласига батафсилроқ тўхталсангиз.**

– Ҳосилдорлик гектарига 30 центнердан юқори бўлган далаларда қўлланиладиган минерал ўғитларнинг йиллик меъёри гектарига – азот-фосфор-калий (соф ҳолда), қўлланмалар бўйича мос равишда гектарига 250-175-125 кг қилиб белгиланган. Улар анъанавий усулда экишдан бошлаб, ўсимликнинг ривожланиш фазаларида ўғитлагичлар ёрдамида уруғликни экиш чизиғининг бир томонидан, ундан тегишли узоқлик ва чуқурликда 2-3 см кенгликда тупроққа киритилади. Бу ўғитларнинг ниҳол илдизларига етиб бориш муддати ҳар хил – ўғитга яқин қисми 2-5 кундан кейин, узоқроқдагилари яна бир неча кундан сўнг ўзлаштира бошлайди. Ана шу сабаблар таъсирида ҳам мазкур усулда сарфланаётган ўғитларнинг самарадорлиги 35 фоиз атрофдалиги ҳақида расмий ахборотлар бор.

**–Экинни озиқлантиришда сарфланаётган ўғит самарадорлигини ошириш учун қандай усулларни қўллаш керак?**

–Вегетатив суғоришларда фойдаланилаётган оқар сувимизда селитра 100 фоиз, аммофосдаги ўзлаштириладиган фосфор 35-40 фоиз атрофида эрийди. Агар биз ўғитни суғориш жараёнида эритма ҳолатида берсак, у бир неча соат ичида 100 фоиз илдизга бориб етади ва ўсимлик дарҳол ўзлаштира бошлайди. Бу жараён бир неча кунга тезлашади, самарадорлиги 70-80 фоизгача етиши мумкин.

Таклиф этилаётган, тажрибада ўзини оқлаган қуйидаги усулда физик ҳолатдаги ўғитни соф ва аралашма ҳолида қопга жойлаб, унинг бир томонини суғорилаётган пайкал бош даҳанасидаги сув оқимига теккизиб қўйилади. Қоп вақти-вақти билан қўзғаб турилади. Бу усулни суғориш давомийлигининг иккинчи ярмида қўллашни тавсия қиламиз. Бунда гектарига сарфланаётган ўғит миқдори трактор ёрдамида солинадиганига қараганда 3 мартагача кам бўлиши лозим. Экинларни озиқлантиришда шу усулдан чет элларда кенг фойдаланади.

Экинни “барги орқали” “суспензия усули” билан озиқлантириш йўли ҳам бор. Бу усул ҳам чет элларда қўлланилаяпти. Илгари республикамизда ҳам шу соҳада тадқиқотлар ўтказилган ва бир ёқлама хулосага келинганди. Эмишки, Ўрта Осиё иқлимида ҳавонинг нисбий намлиги кам (35-40 фоиз атрофида) бўлганлиги сабабли суспензия билан озиқлантиришнинг самараси бўлмайди. Бу асоссиз фикр.

Ҳар қандай янгиликни қўллашнинг ўзига хос шартлари мавжуд. Шахсан, бу шарт - “эритмани” экинга кечки соатларда сепилса, натижа ижобий бўлади. Бу усулда сарфланаётган ўғитлар миқдори нисбатан кам бўлиб, самараси юқоридир.

Таъкидланганидек, селитра оқар сув ҳароратида 100 фоиз эрийди. Аммофосдаги фосфор 35-40 фоиз атрофида, фосфор иссиқ сувда 50-60 фоизгача эриши аниқланган. Озиқлантиришни “ОВХ” ва “ПГС” мосламаларида амалга оширган маъқул. Селитра бевосита мослама бочкаларига солинади, аммофосни эса аввал иссиқ сувда эритиб, сўнг эритмаси бочкага қуйилади, чўкмаси бочкага солинмайди.

Тупроқ ҳолатини ҳисобга олиб, экинни озиқлантиришнинг юқорида изоҳланган уч усулини ҳам навбатма-навбат қўллаш мумкин. Суспензия билан ғўзани озиқлантириш ҳамма майдонларда камида 3 марта қўлланилса, айни муддао бўлади. Тайёрланган ҳар бир ишчи эритма 3 гектар экинга ишлов беришга етади. Озиқлантиришлар ўз вақтида ўтказилса, буталарнинг биринчи ҳосил шохи 1-1,5 бўғинга пастдан яратилади, ҳосилдорлик гектарига 3-5 центнерга ошади. Ҳосил етилиши эса бир ҳафтагача илгарилаши мумкин.

2-жадвалда суспензия ишлатиладиган ўғитларнинг меъёри ва экин фазалари келтирилган.

Биринчи ишловни, албатта, ягана арафасида, яъни ниҳоллар уруғпалла – 4 та чинбарг чиқарган пайтида ўтказиш лозим. Бу пайтда трипсга ўхшаган зараркунанда ҳашаротлар ҳам ўз фаолиятини бошлаган бўлади. Шу сабабли ишлов беришга тайёрланган эритмага кам миқдорда ҳашаротларга қарши ишлатиладиган модда (циракс, омайт...) ва бошқалардан ҳар эритма тайёрлашда ярим литрдан қуйилса, айни муддао бўлади. Биринчи ишлов беришда ҳам, навбатдагиларида ҳам хўжалик мутахассислари билан маслаҳатлашиб иш тутилади. Хўжаликда мавжуд бўлса, биринчи ишловни ПГС мосламаларида ўтказган маъқул.

**Ғўзани суспензия билан озиқлантириш. Фазалар бўйича эритмада сарфланадиган ўғитлар миқдори**

2-жадвал

| Ўғит, физик ҳолда | Экиннинг ривожланиш фазалари бўйича 600 литрлик эритма учун маъданли ўғитлар миқдори, килограмм: Яганалашда | Шоналашда | Гуллашда | Ҳосил тугишида |
|---|---|---|---|---|
| Селитра | 30 | 30 | 20 | – |
| Аммофос | 20 | 20 | 30 | 30 |
| Калий | – | 10 | – | 20 |

Ғўзанинг вегетация даврида, яъни иккинчи суғоришда маъданли ўғитларни “эритма ҳолида”, июн ойининг охиригача эса учинчи марта “суспензия” усулида баргидан озиқлантирилса, ўғитлагичлар ёрдамида тупроққа киритилганига нисбатан тежамлироқ ва самаралироқ бўлиши ўтказилган илмий тадқиқотларимизда ҳамда тажрибаларда аниқланган.

**–Хулоса ўрнида нима дейсиз?**

–Рақобат майдонига кирган истиқболли “Бухоро-8” ғўза навининг 2004 йили тўпланган агротехник тажрибаларини атрофлича изоҳлашга ҳаракат қилдик, айрим фикр ва мулоҳазаларни билдирдик. Барчамизнинг мақсадимиз – мамлакатда жаҳон бозоридан муносиб ўрин оладиган, юқори ҳосилдорликни таъминлайдиган, сифатли, таннархи арзон пахта етиштиришга қаратилган. Бу улуғ ниятга эришмоқ учун ҳар бир агротехник жараёнга деҳқон ва соҳа мутахассислари ижодий ёндашишлари талаб этилади.

**– Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур!**

– Раҳмат.

**Суҳбатдош: Иззатулла ҲОЖИЕВ.**




## ЭЛЧИ ЎҒИРЛАБ КЕТИЛДИ

***Покистон ҳукумати расмий Бағдоддан Малик Жавидни озод этишда бор имкониятни ишга солишни илтимос қилмоқда.***



Малик Жавид Покистоннинг Ироқдаги элчиси бўлиб, ўтган куни номаълум шахслар томонидан ўғирлаб кетилган эди.

РИА Новости маълумотича, Покистон ташқи ишлар вазирлиги элчини ўғирлаб кетганлар ҳозирча ҳеч қандай талабларни илгари сурмаётганини баён этган.

## ТИНЧЛИККА СОВУҚЛИК АРАЛАШДИ

***Барҳам топиб бораётган Исроил-Фаластин можаролари яна авж олиб кетиши мумкин.***



Рафиахдаги қочоқлар лагерида уч нафар фаластинлик ўспиринларнинг Исроил ҳарбийлари томонидан отиб ўлдирилиши изга тушиб бораётган тинчлик келишувига совуқчилик аралаштирмоқда.

Фаластиннинг “ХАМАС” ва “Ислом жиҳоди” террорчи ташкилотлари бу воқеани кескин қоралашиб, тушунтиришлар талаб этишган.

Исроил ҳарбийлари ўспиринларни қурол контрабандаси билан шуғулланувчилар эди, дейишган. Бироқ гувоҳлар сўзларига кўра, улар чегараланган ҳудудда ўйнаб юрган болалар бўлган.

## СУМАТРАДА ЯНА ЗИЛЗИЛА

***Суматра ороли яна бир бор кучли ер силкинишига дуч келди.***



Хабарларга кўра, зилзиланинг кучи Рихтер шкаласи бўйича 6,7 баллга етган. Ер силкиниши орол атрофидаги бошқа давлатларда ҳам сезилган. Ҳозирга қадар ҳалок бўлганлар ва талафотлар хусусида маълумотлар тарқатилмаган, дея хабар беради ИТАР ТАСС ахборот агентлиги.

## ЯНУКОВИЧ НИЯТИ ҚАНДАЙ?

***Украина президентлигига собиқ номзод ва ҳозирда мухолифатчи Виктор Янукович амалдаги ҳукумат билан музокара олиб бориш ниятида.***




“Регионлар Партияси” бошлиғи Януковичнинг бундай қарорга келишига Донецк вилояти кенгаши раиси Борис Келесниковнинг ҳибсга олиниши сабаб бўлди.

“Интерфакс” хабарларига кўра, Борис Келесников 8 апрел куни таъмагирликда гумон қилиниб, ҳибсга олинганди.

“Бизнинг тарафдорларимизга ҳукумат томонидан зуғум ўтказиш давом этар экан, инсон ҳуқуқларини бузишга қарши намойишлар уюштирамиз” деди Янукович.

## ПУТИННИНГ ГЕРМАНИЯГА ТАШРИФИ

***Россия президенти Владимир Путин Германияга расмий сафар уюштирди.***



Россия Федереацияси раҳбарини Германия канцлери Герхард Шрёдер кутиб олди. Владимир Путин бутунжаҳон саноат кўргазмаси Ганновер ярмаркасининг очилиш маросимида иштирок этди. Ушбу ярмаркада Россиянинг 138 га яқин саноат кўргазмалари Ганновернинг “ҳамкор давлат” хорижий экспонатлар сифатида иштирок этмоқда. Сафарнинг иккинчи ярмида Россия ва Германия иқтисодий ҳамкорлигига боғлиқ бир неча ҳужжатларга имзо чекилди.

## КУТИЛМАГАН ОБ-ҲАВО

***АҚШда кутилмаган об-ҳаво ҳукмронлик қилмоқда. Колорадо ва Денвер штатида мана икки кундирки, қор тинмай ёғмоқда.***



Синоптиклар маълумотича, у ерга ҳозирга қадар 25 сантиметр қалинликда қор тушган. Бу кўрсаткич 75 сантиметрга етиши мумкинлиги айтилмоқда.

Маҳаллий аэропорт ва автомобил йўлларида ҳаракатлар тўхтатилган. Штат аҳолиси электр энергиясисиз қолган.

**INTERNET хабарлари асосида Ш.САНАЕВ тайёрлади.**

Тошкент шаҳар Сергели тумани ИИБ томонидан 303-мактаб номига берилган тўртбурчак тамға йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2005 йил 12 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:**

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 836,17 | 1 Польша злотийси | 341,54 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2040,41 | 1 СДР | 1626,43 |
| 1 Дания кронаси | 188,13 | 1 Туркия лираси | 805,01 |
| 1 БАА дирхами | 295,02 | 1 Швейцария франки | 904,68 |
| 1 АҚШ доллари | 1083,54 | 1 ЕВРО | 1400,58 |
| 1 Миср фунти | 187,06 | 10 Жанубий Корея вони | 10,67 |
| 1 Исландия кронаси | 17,61 | 10 Япония иенаси | 99,94 |
| 1 Канада доллари | 883,37 | 1 Россия рубли | 38,91 |
| 1 Хитой юани | 130,92 | 1 Украина гривнаси | 205,42 |
| 1 Малайзия рингтити | 285,18 | | |

**Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**


# Ирригация, мелиорация ва сув хўжалиги соҳасидаги мутахассислар, олимлар, профессор-ўқитувчилар, докторантлар, аспирантлар ва магистрантлар

# ДИҚҚАТИГА!

***Тошкент ирригация ва мелиорация институти етакчи профессор-ўқитувчилари томонидан “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” нинг иккинчи-сифат босқичи доирасида ҳамда Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2004 йил 26-мартдаги 79-сонли буйруғига асосан очиқ лекциялар ўтказилиши тўғрисида***

**ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

| № | Маърузачининг фамилияси, исми шарифи, илмий даражаси ва унвони | Маъруза мавзуси | Сана | Вақти | Ўқув корпуси ва аудитория рақами | Маъруза тили |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Кучкарова Дилором Файзуллаевна, техника фанлари доктори, профессор | Йиғиш чизмалари ҳақида умумий маълумотлар ва уларнинг техникада фойдаланилиши. | 13.04.05й. | Соат $10^{00}$ | Б-403 | Давлат тилида |
| 2. | Худойбердиев Толибжон Солиевич, техника фанлари доктори, профессор | Трансмиссия асосий механизмларининг тузилиши, вазифаси, хиллари, ишлаш принципи ва уларга қўйиладиган талаблар. | 22.04.05й. | Соат $8^{30}$ | Кенгашлар зали | Давлат тилида |
| 3. | Эшматов Ҳасанбой, техника фанлари доктори, профессор | Агроинженерия масалаларини математик моделлаштириш. Пластинка типидаги конструкцияларнинг тебраниши ва турғунлиги ҳақидаги масалани математик моделлаштириш. | 25.04.05й. | Соат $8^{30}$ | Б-101 | Давлат тилида |
| 4. | Ибрагимов Маткарим, техника фанлари номзоди, доцент | Проектирование комплексной электрификация на насосных станциях. | 27.04.05й | Соат $12^{00}$ | Кенгашлар зали | Рус тилида |
| 5. | Жаббаров Насим Гаффарович, техника фанлари номзоди, доцент | Ўзгармас ток электр машиналари | 2.05.05й. | Соат $8^{30}$ | В-404 | Давлат тилида |
| 6. | Бараев Фридун Ахмедович, техника фанлари доктори, профессор | Методы планирования водопользования и расчетов эксплуатационных услуг в АВП. | 7.05.05й. | Соат $10^{00}$ | 4-маърузалар зали | Рус тилида |
| 7. | Каланова Феруза иқтисод фанлари номзоди | Служебная этика и культура управленческого труда важные условия менеджмента | 13.05.05й. | Соат $8^{30}$ | Б-101 | Рус тилида |
| 8. | Давронов Ғуломжон Туробович, техника фанлари номзоди, доцент | Сув омборли гидроузеллардан фойдаланишда юзага келаган муаммолар. | 17.05.05й. | Соат $8^{30}$ | 4-маърузалар зали | Давлат тилида |
| 9. | Авезбоев Садулла Авезбоевич, иқтисод фанлари доктори, профессор | Хўжаликлараро ер тузишнинг махсус масалалари. Янги ердан фойдалан-ишларни ташкил этиш йўллари. | 2.06.05й. | Соат $10^{00}$ | 4-маърузалар зали | Давлат тилида |
| 10. | Ҳамидов Муҳаммадхон Ҳамидович, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор | Орол денгизи ҳавзасининг сув ресурслари, уларни бошқариш, ҳамда фойдаланишнинг қонуний ва ҳуқуқий асослари. | 7.06.05й. | Соат $15^{00}$ | 4-маърузалар зали | Давлат тилида |

* ***Шу соҳада фаолият юритаётган ишлаб чиқариш мутахассислари, олимлар, профессор-ўқитувчилар, докторантлар, аспирантлар ва магистрантлар очиқ маърузага таклиф этилади.***

**ИНСТИТУТ ЎҚУВ БЎЛИМИ**



## “Жомбой дон” ОАЖ акциядорлари диққатига!

**2005 йил 21 апрел соат 11.00 га “Жомбой дон” ОАЖ мажлислар залида акциядорларнинг қуйидаги кун тартибида навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилади.**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 мартдаги ПК-29-сонли қарорига асосан жамият устав фондидаги давлат улушини 51 фоизга етказиш тўғрисида.
2. Жамият уставига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида.
3. Кузатув кенгаши таркибини қайта сайлаш.

Жамият манзили: Самарқанд вилояти, Жомбой ш., Тошкент кўчаси, 2-уй.

Реестрнинг ёпилиш санаси: 2005 йил 8 апрел.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг рўйхати тузилган сана: 2005 йил 8 апрел.

“Жомбой дон” ОАЖнинг давлатга тегишли 26 фоиз акциялар пакетининг эгаси – “Ўздонмаҳсулот” акциядорлик компанияси.


Тошкент вилояти Қибрай тумани ИИБ томонидан 2004 йили “NURONIY-TEXNO HIMOYA” шўъба корхонасига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар С.Раҳимов туманида рўйхатга олинган “SHOPUR” МЧЖнинг номи “MUSABBIHA-BARAKA” МЧЖ деб ўзгартирилмоқда. Даъволар эълон босилган санадан бошлаб икки ой давомида қабул қилинади. Манзил: С.Раҳимов тумани, Заркайнар кўчаси, 12-берк кўча, 34-уй.

ЦЕМЕНТ 34,8 ▲ + 0,4 | АРМАТУРА 440,8 ▼ - 11,1 | МЕДНАЯ КАТАНКА 3834,3 ▲ + 5,7 | Символы цен: ▲ + Увеличилась; ± не изменилась; ▼ – Снизилась; +0,0 на сколько сум | Сум/кг | Средневзвешенные цены за неделю для заключения прямых договоров на сайте: UZEX.COM УзРТСБ

